

СПОРТ МУҲИТИДАГИ КРИМИНАЛ СУБМАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
мустақил изланувчиси, Аҳадов Собиржон Муродович*

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада спорт муҳиtida, хусусан, жанговар спорт турларида (ММА, бокс, эркин кураш) криминал субмаданиятнинг шаклланиши, тарқалиши ва унинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари академик ва криминологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада “субмаданият” ва “криминал субмаданият” тушунчаларининг концептуал-терминологик моҳияти криминология фанининг етакчи олимлари қарашлари асосида очиб берилган ҳамда муаллифлик таърифлари илгари сурилган. Спорт индустриясининг тижоратлашуви ва уюшган жиноятчиликнинг жисмонан бақувват ёшларга бўлган эҳтиёжи оқибатида анъанавий пенитенциар субмаданиятнинг фуқаролик жамиятига ва спорт клубларига трансформациялашув омиллари кўриб чиқилган.

Шунга кўра, ёш спортчиларни жиноий тузилмалар томонидан “куч ишлатар ресурс” сифатида жалб этилишининг олдини олиш, уларда ҳуқуқий ва маънавий иммунитетни шакллантириш ҳамда профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: спорт муҳити, жанговар спорт турлари, криминал субмаданият, субмаданият, уюшган жиноятчилик, спорт индустрияси, тижоратлашув, ёш спортчилар, деструктив ҳуқ-атвор, норасмий ҳуқ-атвор кодекси, кўча қонунлари, зўравонлик жиноятлари, криминоген омиллар, виктимологик профилактика, ҳуқуқий онг.

ПОНЯТИЕ КРИМИНАЛЬНОЙ СУБКУЛЬТУРЫ В СПОРТИВНОЙ СРЕДЕ

соискатель Академии МВД Республики Узбекистан,

Ахадов Собиржон Муродович,

АННОТАЦИЯ: В данной статье с академической и криминологической точек зрения анализируются процессы формирования, распространения и социально-правовые последствия криминальной субкультуры в спортивной среде, в частности в боевых видах спорта (ММА, бокс, вольная борьба). На основе взглядов ведущих ученых-криминологов раскрывается концептуально-терминологическая сущность понятий «субкультура» и «криминальная субкультура», а также предлагаются авторские определения. Рассматриваются факторы трансформации традиционной пенитенциарной субкультуры в гражданское общество и спортивные клубы в результате коммерциализации спортивной индустрии и потребности организованной преступности в физически крепкой молодежи. На основе этого выдвинуты научно-практические предложения по предупреждению привлечения молодых спортсменов преступными структурами в качестве «силового ресурса», формированию у них правового и духовного иммунитета, а также совершенствованию профилактических мер.

Ключевые слова: спортивная среда, боевые виды спорта, криминальная субкультура, субкультура, организованная преступность, индустрия спорта, коммерциализация, молодые спортсмены, деструктивное поведение, неформальный кодекс поведения, уличные законы, насильственные преступления, криминогенные факторы, виктимологическая профилактика, правосознание.

THE CONCEPT OF CRIMINAL SUBCULTURE IN THE SPORTS ENVIRONMENT

*Independent Researcher at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan*

Sobirjon Murodovich Akhadov

ABSTRACT: This article provides an academic and criminological analysis of the formation, spread, and socio-legal consequences of criminal subculture in the sports environment, particularly in combat sports (MMA, boxing, freestyle wrestling). Based on the views of leading criminologists, the conceptual and terminological essence of the concepts "subculture" and "criminal subculture" is revealed, and authorial definitions are proposed. The factors behind the transformation of traditional penitentiary subculture into civil society and sports clubs, resulting from the commercialization of the sports industry and organized crime's demand for physically strong youth, are examined. Accordingly, scientific and practical proposals are advanced to prevent the recruitment of young athletes by criminal entities as a "force resource," foster their legal and moral immunity, and improve preventive measures.

Keywords: sports environment, combat sports, criminal subculture, subculture, organized crime, sports industry, commercialization, young athletes, destructive behavior, informal code of conduct, street rules, violent crimes, criminogenic factors, victimological prevention, legal consciousness.

Бугунги кунда спорт, хусусан, унинг жанговар турлари (ММА, бокс, эркин кураш ва бошқалар) жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, спорт индустриясининг жадал

тижоратлашуви ҳамда унинг атрофида улкан молиявий айланмаларнинг юзага келиши ушбу соҳага уюшган жиноятчилик ва криминал унсурларнинг кириб келиши учун қулай шарт-шароит яратиб бермоқда. Натижада, анъанавий равишда жазони ижро этиш муассасаларида ва тор жиноий доираларда амал қилиб келган “криминал субмаданият” ўз чегараларини кенгайтириб, спорт муҳитига, айниқса, ёш спортчилар орасига чуқур сингиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ёшларни ёт ва деструктив ғоялар, шу жумладан, жиноятчилик ва зўравонлик таъсиридан асрашда спортнинг ўрни ҳақида тўхталиб: “Бир сўз билан айтганда, спорт – соғлом халқ, соғлом жамиятнинг таянч устунидир. Шу билан бирга, спорт – бу аввало тинчлик элчиси, ҳар бир давлат учун миллий ғурур манбаидир” [1], — деб алоҳида эътибор қаратган эди. Бу эса спорт муҳитининг поклигини сақлаш, уни турли криминал субмаданиятлар ва деструктив унсурлар таъсиридан ҳимоя қилиш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларидан бири эканлигини яққол кўрсатади.

Маълумки, тадқиқотнинг базавий тушунчаларидан бири бўлган “субмаданият” терминологик категориясини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, мазкур атама илмий доираларда яқдил таърифга эга эмас. Ушбу тушунча мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлганлиги сабабли, турли фан йўналишлари (социология, психология, криминология) вақиллари ва етакчи олимлар томонидан унинг мазмун-моҳиятига нисбатан хилма-хил, бироқ концептуал жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи илмий талқинлар берилган.

Маданий мерос цивилизациямизнинг асосий бойлиги ҳисобланади, маданият ўтмиш инсонини замонавий инсондан ажратиб туради, маданий анъаналар бир халқни бошқасидан фарқлашга хизмат қилади,

инсоннинг маданиятига қараб атрофдагилар у ҳақида хулоса чиқарадилар.

Бироқ жамиятда ҳукмрон бўлган маданият жамиятнинг барча аъзолари учун умумий хусусиятга эга эмас. Расмий маданиятдан фарқ қилувчи ёки ҳатто уни инкор этувчи ўзининг муқобил яъни альтернатив маданиятига эга бўлган кичик гуруҳлар ҳам мавжуд. Мазкур ҳолат субмаданият (ингл. Subculture – остмаданият) тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди.

“Субмаданият” тушунчасининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш мақсадида махсус адабиётлар ва социологик луғатларга мурожаат қилсак, унга қуйидагича яъни “Субмаданият – бу муайян ижтимоий гуруҳнинг жамиятда ҳукмрон бўлган маданиятдан фарқ қилувчи, аммо у билан узвий боғлиқ бўлган ўзига хос қадриятлари, дунёқараши, хулқ-атвор моделлари ва ҳаёт тарзи тизимидир” [2] дея таъриф берилганини кўриш мумкин.

Криминологик нуқтаи назардан субмаданиятлар – бу уларга мансуб бўлган шахсларни жамиятнинг бошқа аъзоларидан ажратиб турувчи ва умумийлик яъни бирдамлик ҳиссини намоён этувчи таркибий ҳамда функционал тузилмалардир [3].

Гарчи “субмаданият” атамаси нисбатан янги бўлса-да, уни биринчи бўлиб Т. Парсонс қўллаган [4], криминал субмаданият жиноятчилик қанча вақтдан бери мавжуд бўлса, шунча вақтдан бери яшаб келмоқда. Шу ўринда В.Ф. Пирожковнинг “жиноятчиликсиз криминал субмаданият бўлмаганидек, мазкур субмаданият ҳам жиноятчиликсиз мавжуд бўла олмайди” деган фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ [5].

Ушбу олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидлаш лозимки, жиноятчилик ва криминал субмаданият ўзаро узвий ҳодисалардир. В.Ф. Пирожковнинг хулосаси бугунги кунда, айниқса, жанговар спорт муҳотида ўз тасдиғини яққол топмоқда. Уюшган

жиноий гуруҳларнинг жисмонан бақувват ёшларга бўлган эҳтиёжи спорт залларида “кўча қонунлари” ва зўравонликка асосланган криминал субмаданиятнинг сунъий равишда сингдирилишига олиб келмоқда.

Субмаданият замонавий жамиятда, айниқса ёшлар ҳаётида муҳим ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлади. У ёшларнинг дунёқараши, қадриятлари ва ижтимоий хулқ-атворини шакллантиришда сезиларли рол ўйнайди [6].

Илмий нуқтаи назардан криминал субмаданият (лотинча “sub” – остида, “cultur” – тарбия, маданият, ривожланиш) – бу жамиятда қабул қилинган умумеътироф этилган ахлоқ меъёрлари ва ҳуқуқий нормаларга зид бўлган, жиноят олами вакиллари томонидан шакллантирилган ҳамда изчил кўллаб-қувватланадиган ўзига хос қадриятлар, анъаналар, норасмий хулқ-атвор қоидалари ва идентификация қилувчи атрибутлар (жаргон, татуировка, лақаблар) тизимидир.

Мазкур ҳолат субмаданият тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди. Гарчи “субмаданият” атамаси нисбатан янги бўлса-да (уни биринчи бўлиб Т.Парсонс қўллаган), мазкур ҳодисанинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти алоҳида ёндашувни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот доирасида “субмаданият” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Субмаданият – бу жамиятдаги расмий маданиятдан муқобил қадриятлари, норасмий хулқ-атвор қоидалари ва ҳаёт тарзи билан фарқланувчи, ўз аъзоларини жамиятнинг бошқа қатламларидан ажратиб турувчи ҳамда уларда кучли гуруҳий бирдамлик ҳиссини яратувчи, шунингдек, шахснинг ички дунёқараши ва ижтимоий-психологик мослашувини белгилаб берувчи ўзига хос норматив-қадриятли тизимдир.

Айнан мана шу бузғунчи тизим бугунги кунда ўзининг анъанавий чегараларидан яъни жазони ижро этиш муассасаларидан четга чиқиб, жамиятнинг бошқа қатламларига, хусусан, жанговар спорт соҳасига фаол кириб бормоқда. Шу боис, криминал субмаданиятнинг спортга таъсири шунчаки маиший безорилик ёки алоҳида шахсларнинг қонунбузарлиги билан чекланмайди. Энг катта ижтимоий хавф шундаки, уюшган жиноий гуруҳлар ва криминал авторитетлар спорт клублари, хусусан, норасмий жанг залларидан ўзларининг яширин манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Ёш, жисмонан бақувват, аммо ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган спортчилар криминал гуруҳлар томонидан мақсадли равишда ёлланиб, улардан зўравонлик жиноятларини содир этишда яъни ноқонуний қарз ундириш, рейдерлик, тадбиркорларга тазйиқ ўтказиш ва бошқаларда ўзига хос “куч ишлатар восита” сифатида фойдаланилмоқда..

Криминология фанининг етакчи намояндалари, хусусан, В.Ф.Пирожков ушбу ҳодисани жиноий ҳамжамиятлар ҳаётининг муайян ривожланиш даражаси сифатида талқин қилиб, унинг аъзолари учун мажбурий сингдириладиган нормалар мажмуи эканлигини таъкидлайди [7]. Профессор О.В. Старков эса криминал субмаданиятнинг ижтимоий хавфлилиқ жиҳатига эътибор қаратиб, уни уюшган жиноятчиликнинг мафкуравий пойдевори ва жиноий фаолиятни рағбатлантирувчи асосий омил сифатида баҳолайди [8].

Юқоридаги фикрларга қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, криминал субмаданият фақатгина ташқи қоидалар тўплами эмас, балки инсоннинг ички дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборовчи кучли омил ҳисобланади. Хусусан, Д.А. Корецкий ва В.В. Тулегенов каби олимларнинг таъкидлашича, бу муҳит шахсни жиноят содир этишга ундайди ҳамда унинг қилмишини рухий жиҳатдан оқлаб берадиган

ўзига хос “психологик ҳимоя ва ўзлигини намоён этиш (ўз ўрнини кўрсатиш)” воситаси бўлиб хизмат қилади [9].

Юқоридаги олимларнинг назарий ёндашувларини умумлаштирган ҳолда, муаллиф томонидан “криминал субмаданият” тушунчасининг қуйидаги мукаммал таърифи шакллантирилди:

Криминал субмаданият – бу жамиятда умумеътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни инкор этувчи, уюшган жиноятчиликнинг мафкуравий пойдевори сифатида шакланган деструктив ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, норасмий хулқ-атвор кодекслари, хуфиёна мулоқот механизмлари ва фарқловчи белгилар воситасида шахс онгида зўравонликни оқловчи дунёқарашни шакллантирадиган, шунингдек, инсонларда “сохта биродарлик” ҳамда “муқобил адолат” иллюзиясини уйғотиш орқали янги аъзоларни жиноий тузилмаларга жалб этиш механизми вазифасини ўтайдиган ўзига хос норматив-қадриятли тизимдир;

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, спорт муҳитидаги, хусусан, жанговар спорт турларидаги криминал субмаданият бу спорт индустриясининг тижоратлашуви ва уюшган жиноятчиликнинг ўз сафига ёшларни жалб қилиш эҳтиёжлари оқибатида анъанавий пенитенциар муассасалар чегарасидан фуқаролик жамиятига трансформация бўлган, умумеътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни инкор этувчи деструктив ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Мазкур деструктив тизим норасмий хулқ-атвор кодекслари, жаргон ва “сохта биродарлик” иллюзиялари воситасида ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, аммо жисмонан бақувват ёш спортчилар онгида зўравонликни оқловчи дунёқарашни шакллантиради ва улардан рейдерлик, ноқонуний қарз ундириш каби жиноий фаолиятда “куч ишлатар ресурс” сифатида фойдаланишга хизмат қилади. Шу боис, ушбу таҳдидга қарши курашиш спорт клублари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, давлат ва

жамоатчилик назоратини тизимлаштириш ҳамда атлетларда ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган комплекс виқтимологик-профилактик чораларни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. М. “Спорт – бу аввало тинчлик элчиси, ҳар бир давлат учун миллий ғурур манбаидир” (Тошкент шаҳрида ўтказилган спорт соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи) // “Янги Ўзбекистон» газетаси. – 2020. – 14 февраль. – № 32 (44). <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-sport-bu-avvalo-tinchlik-elchisi-ar-bir-davlat-uchun-milliy-urur-manbai>
2. Социологический словарь: Пер. с англ. / Под ред. С. А. Ерофеева. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1997.
3. Криминология: Словарь-справочник: Пер. с нем. / Сост. Х.-Ю. Кернер. – М.: НОРМА, 1998.
4. Кравченко А. И. Культурология: Словарь. – М.: Академический проект, 2000.
5. Пирожков В. Ф. Законы преступного мира молодежи (криминальная субкультура). – Тверь: ИПП «Приз», 1994.
6. Aralov I. Z. Submadaniyat ilmiy kategoriya sifatida // Yangi renessans ilmiy jurnali. – 2026. – 3-jild, 5-son. – В. 48-53.
7. Пирожков В. Ф. Криминальная психология. Психология подростковой преступности. – М.: Ось-89, 1998. – С. 73.
8. Старков О. В. Криминальная субкультура: спецкурс. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – С. 14.
9. Корецкий Д. А., Тулегенов В. В. Криминальная субкультура и ее криминологическое значение. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2006. – С. 17.